# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

**6-сон (1026) 2022 йил февраль**


*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Биринчи бўлим*


49. «Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенциясини (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 7 февралдаги ЎРҚ–750-сон Қонуни

50. «МДҲ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Минск, 2021 йил 28 май) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 7 февралдаги ЎРҚ–751-сон Қонуни

51. «Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 9 февралдаги ЎРҚ–752-сон Қонуни

## *Иккинчи бўлим*

52. «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ–121-сон қарори

53. «Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ–122-сон қарори

54. «Давлат муассасаларини ислоҳ қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ–123-сон қарори

55. «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 февралдаги ПҚ–126-сон қарори

## *Бешинчи бўлим*

56. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 январдаги 3-сон «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3348)*

57. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 2-сон, Бош прокуратурасининг 2022 йил 30 январдаги 3-ҚҚ-сон, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 31 январдаги 31/1-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 5ҚҚ180222-сон, Миллий гвардиясининг 2022 йил 3 февралдаги 5-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 2 февралдаги 3/02-22-00036-сон «Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари, Давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, прокуратура органларининг пенсионерлари ҳамда давлат божхона хизмати органларининг пенсионерлари, Миллий гвардия органларининг собиқ ходимлардан бўлган пенсионерлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда санаторий-курорт таъминоти ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3349)*

58. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 19 январдаги 01-02/16-00002-сон «Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3296-1)*

59. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-18-сон «Техник этил спиртини ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2015-3)*

60. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-19-сон «Линолеум учун ёпишқоқ мастикалар, нитролаклар, нитроэмаллар ва нитромастикалар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2016-3)*

61. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-20-сон «Сирка кислотаси ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2073-3)*

62. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-21-сон «Гидридланган мойлар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2218-2)*

63. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-22-сон «Пресслаш ва экстракциялаш усули билан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2225-2)*

64. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-23-сон «Тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2274-2)*

65. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 31 январдаги 03/ЮБ-17-сон «Ядро физикаси корхоналарида ишлар хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2612-1*)

66. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 1 февралдаги 1-сон «Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2630-3*)

67. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директорининг 2022 йил 24 январдаги 2-сон «Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2754-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### 49 Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенциясини (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 10 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда
маъқулланган

Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли Конвенцияси (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 7 февраль,
ЎРҚ–750-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## 50 МДҲ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Минск, 2021 йил 28 май) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 28 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда
маъқулланган

МДҲ иштирокчи-давлатларининг сохта товар белгилари ва географик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги Битим (Минск, 2021 йил 28 май) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 7 февраль,
ЎРҚ–751-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 51 Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 26 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **15-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ногиронлик пенсиялари қонунчиликда белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга, шунингдек Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга тайинланади»;

2) **19-модданинг:**

**учинчи қисми «а» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки 18 ёшдан катта бўлса, агар улар 18 ёшга тўлгунига қадар ногиронлиги бор бола бўлиб қолган бўлса. Бунда башарти, агар ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса»;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 февралда эълон қилинган.

«Таълим ташкилотларининг ўқувчилари ва талабалари ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунига қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга»;

3) **37-модда биринчи қисмининг:**

**«д» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган, ногиронлиги бор болага, шунингдек (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт»;

**«ж» бандидаги** «кўпи билан 3 йил» деган сўзлар «кўпи билан 6 йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **47-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши муносабати билан чекловчи чоралар (карантин) жорий этилганда, агар фуқаролар чекловчи чоралар (карантин) даврида ёки улар тугатилгандан кейин пенсия тайинлашни сўраб бир ой ичида мурожаат қилган бўлса, уларга пенсия уни олиш ҳуқуқи юзага келган кундан эътиборан тайинланади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **53-модда** чиқариб ташлансин;

6) **58-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

7) **66-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонунга мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланади. Пенсияларни тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан трансфертлар ажратилиши мумкин».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-мод-

да; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда, № 10, 593, 595-моддалар, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда, № 10, 973-модда) **234-моддасининг бешинчи қисмидаги** «уч йил» деган сўзлар «олти йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда) **565-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

**иккинчи қисмдаги** «учинчи қисмида» деган сўзлар «учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Автомототранспорт воситалари электрон савдо платформаси воситасида электрон онлайн-аукцион орқали ижарага берилганда ижарага бериш шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш талаб этилмайди. Бунда электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра расмийлаштирилган баённома ижара шартномаси кучига эга бўлади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»**ги 712–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–483-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 428-модда; 2019 йил, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **9-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлайди, бундан ташқи савдо битимлари ва халқаро шартномалар шартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юзага келган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари мустасно»;

**олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар) **483-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**учинчи қисмнинг биринчи хатбошисидаги** «2021 йил 1 майдан 31 декабрга қадар» деган сўзлар «2021 йил 1 майдан 2022 йил 30 апрелга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисмдаги** «2021 йилнинг 10 октябридан 31 декабрига қадар» деган сўзлар «2021 йил 10 октябрдан 2022 йил 30 апрелга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**8-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг амал қилиши «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси кучга киргунига қадар сақланиб қолади.

Ушбу Қонун 5-моддасининг қоидалари 2022 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 9 февраль,
ЎРҚ–752-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 52 Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш, чорвачилик хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, чорва озуқа базасини янада кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг йирик чорвачилик хўжаликлари ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчилар билан ҳамкорликдаги фаолияти асосида (кейинги ўринларда — кооперация усулида) ўз хонадонларида чорва молларини боқишини ташкил этиш ва чорва озуқа базасига бўлган талабини қондириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

пахта ва ғалла етиштирувчи субъектлар томонидан 2 миллион гектар суғориладиган ер майдонининг 10 фоизига алмашлаб экиш таъминланадиган ер майдонлари ҳажми 1-иловага** мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда пахта-тўқимачилик, ғаллачилик ва шоличилик кластерлари томонидан ташкил этиладиган чорвачилик комплексларида чорва бош сонини кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бош вазир ўринбосари Ш. Ғаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б. Норқобилов):

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ ҳажмдаги ер майдонларида беда ва чорва озуқа экинлари экилишини;

«Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси ҳамда пахта-тўқимачилик, ғаллачилик ва шоличилик кластерлари билан биргаликда мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ кластерлар томонидан 500 — 1 000 бошга мўлжалланган чорвачилик комплекслари ташкил этилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2022-2023 йилларда ҳар бир туманда камида 1 тадан гўшт ва сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар томонидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида чорва моллари етказиб бе-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 февралда эълон қилинган.

** Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ришни ва етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотишни ташкил этсин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ўзлаштириладиган ва бўш турган ер майдонлари ҳисобидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида чорва моллари етказиб беришни ва етиштирилган чорва маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этган гўшт ва сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналарга, аҳолига чорва озуқасини етказиб бериш шарти билан, чорва бош сонига мутаносиб равишда озуқа ерларининг очиқ электрон танлов асосида ижарага берилишини таъминласин;

озуқа базасини етиштириш учун суғориладиган ер майдонлари етишмовчилиги мавжуд бўлган туманларда гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини тўлиқ қондириш мақсадида кооперация усулида гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни йўлга қўйган хўжалик юритувчи субъектларга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар чегаралари доирасида бир туманда кооперация усулида гўшт ва сут маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш ҳамда бошқа туманда озуқа экинларини етиштириш учун очиқ электрон танлов асосида суғориладиган ерлар ажратишни таъминласин. Бунда, кооперация усулида фаолият олиб борувчи субъектларга мазкур қарорда белгиланган барча имтиёзлар қўлланилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра кооперация усулида гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни йўлга қўйган хўжалик юритувчи субъектларга:

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан чорвачилик бўйича, шу жумладан чорва комплексларини қуриш, йирик ва майда шохли наслдор чорва молларини харид қилиш, чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган 20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига компенсация ҳамда кредит суммасининг 50 фоизи миқдорида кафиллик тақдим этилади;

чорвачилик йўналишида жалб қилинадиган халқаро молия институтларининг кредит маблағлари 10 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан ажратилади.

Тижорат банкларига чорвачилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш, шу жумладан айланма маблағларни тўлдириш ва модернизация қилиш учун мазкур қарор қабул қилингунга қадар ажратилган кредитларнинг қайтариш муддатини ўн йилгача тадбиркорларнинг аризаларига кўра узайтириш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб 2023 йил 31 декабрга қадар:

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларида ва аҳоли хонадонлари билан биргаликда кооперация усулида етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва май-

да шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун субсидиянинг миқдори 2 000 сўмдан 4 000 сўмга ҳамда сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўмдан 400 сўмга оширилади. Бунда, субсидия қўшилган қиймат солиғидан вақтинчалик озод қилиш бўйича имтиёз амалда бўлган давр учун ҳам тўланади;

чорвачилик хўжаликлари томонидан кредит ва лизинг шартлари асосида харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникалари кредит ва лизинг фоизи харажатларининг 10 фоиз пунктидан ортиқ қисми Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан республика бюджети ҳисобидан қоплаб берилади;

озуқа экин ер майдонларида ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш технологияларини жорий этган чорвачилик хўжаликларига унинг ҳар бир гектари учун 8 миллион сўм миқдорида республика бюджети ҳисобидан белгиланган тартибда субсидия ажратилади;

гидропоника усулида чорва молларига озуқа етиштириш ускуналарини харид қилиш харажатининг 20 фоизи республика бюджети ҳисобидан қоплаб берилади. Бунда, мазкур ускуна қийматининг 100 миллион сўмдан ошмаган қисми қопланади.

6. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган, ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ошмаган озуқа экинларини экиш, йиғиш ва озуқа тайёрлаш қишлоқ хўжалиги техникалари, уларнинг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмлари, истисно тариқасида, 2025 йил 1 мартга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ва утилизация йиғимидан озод қилинсин ҳамда тадбиркорлик субъектларига «эркин муомалага чиқариш» божхона режимига жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 180 кунгача бўлган муддатга кечиктириб тўлашга рухсат берилсин.

7. Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманнинг контурлари кесимида вегетация даврида ажратиладиган сув лимитлари ҳамда озуқабоп экин турларининг сувга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда, кундалик равишда янгилаб бориладиган суғориш графиклари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олувчи электрон онлайн платформани ташкил этсин.

8. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш. Ғаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига:

пахта ва ғалла етиштирувчи субъектлар томонидан мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ ҳажмдаги ер майдонларида беда ва чорва озуқа экинларини экиш;

пахта-тўқимачилик, ғаллачилик ва шоличилик кластерлари томонидан мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ чорвачилик комплексларини ташкил этиш;

ҳар бир туманда камида 1 тадан гўшт ва 1 тадан сут йўналишида гўшт

ва сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар томонидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида чорва моллари етказиб беришни ва етиштирилган чорва маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиш;

б) Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Кудбиев зиммасига:

йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун ҳамда сутнинг ҳар бир литри учун субсидия олган хўжалик субъектлари қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида солиқ органларида рўйхатдан ўтганлигини назорат қилиб бориш;

мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ ҳажмдаги ер майдонларида беда ва чорва озуқа экинлари экилганлигини назорат қилиб бориш ҳамда ҳар чоракда Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашига ахборот киритиб бориш;

в) сув хўжалиги вазири Ш. Хамраев зиммасига электрон онлайн платформанинг белгиланган муддатда ишга туширилишини ва унинг доимий равишда янгилаб борилишини таъминлаш;

г) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б. Норқобилов ва «Ўзбекчорванасл» агентлиги директори Б. Атамуродов зиммасига қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш бўйича жавобгарлик юклансин.

9. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 8 февраль,
ПҚ–121-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 53 Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган самарали ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жиноят содир этишда замонавий технологиялар ва усулларни қўллаш бутун дунёда тобора оммалашиб бораётганлигини инобатга олиб, шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш учун айблилигини судда илмий-техник жиҳатдан асосланган ишончли далиллар билан исботлаш жараёнларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирлари, тергов ва суд ҳаракатларида далилларни тўплашда замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини, хусусан криминалистик илмий усул ва воситаларни қўллаш амалиётини янги босқичга олиб чиқиш лозим.

Содир этилган ҳуқуқбузарликларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўз вақтида аниқлаш ва қисқа муддатларда фош этиш, ашёвий далилларнинг криминалистик тадқиқотларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларининг бу борадаги имкониятларини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини, рақамли технологияларни, криминалистиканинг янги илмий усул ва воситаларини қўллаш механизмларини жорий этиш, замон талабларига мос автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимлари ва ахборот базаларини яратиш;

ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар бўйича рақамли экспертизанинг имкониятларидан кенг фойдаланиш, бу борада криминалистик ҳисобларни юритиш;

шахсга доир биометрик маълумотлар (геномга оид ахборот, юз қиёфаси, қўл бармоқ излари) асосида автоматлаштирилган идентификация тизимларини қўллаш соҳасини мувофиқлаштириш механизмларини татбиқ қилиш;

тезкор-қидирув тадбирлари, тергов ва суд ҳаракатларида ашёвий далиллар тадқиқотининг янги турлари, инновацион криминалистик ёндашув, усул

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 февралда эълон қилинган.

ҳамда техник воситаларини кенг жорий этиш, бу борада лабораториялар фаолиятини халқаро стандартлар талабига мослаштириш;

ашёвий далилларни исбот қилишда уларнинг ишончлилигини ошириш бўйича доимий равишда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш ҳамда суд-экспертлик фаолиятига татбиқ этиш амалиётини йўлга қўйиш;

эксперт-криминалистика соҳасида кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича бутунлай янгича самарали ўқув-амалиёт жараёнини ташкил этиш, эксперт-криминалист ходимларнинг мавқеини кўтариш ҳамда суд-экспертлик фаолиятидаги холислиги ва мустақиллигини ҳар томонлама таъминлаш.

2. Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази тузилмасида ички ишлар органларининг чекланган штат бирликлари доирасида Генетик тадқиқотлар ва Шахснинг геном ахборотини давлат рўйхатига олиш бўлимларини ташкил этиш;

Ички ишлар вазирлиги таъсисчилигида ўқотар, пневматик, газли, сигнал берувчи, совуқ, улоқтирувчи ва бошқа қуроллар, уларнинг ўқ-дориларини, махсус воситаларни, ўқ ўтказмайдиган махсус ҳимоя воситаларини, электрошок қурилмалари, пиротехника буюмлари ва портловчи материалларни сертификатлашни амалга оширувчи давлат муассасасини ташкил этиш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларига (кейинги ўринларда — эксперт-криминалистика бўлинмалари) эксперт-криминалистика соҳасида жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида экспертлик, биометрик идентификация, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини ҳамда соҳага оид бошқа пуллик хизматларни кўрсатиш ҳуқуқини бериш;

махсус илмий-техник ва интеллектуал салоҳиятга эга шахсларни мутахассис ёки техник ишчи сифатида эксперт-криминалистика бўлинмаларига шартнома асосида жалб этиш амалиётини йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки, суд-экспертлик фаолияти қамровини кенгайтириш ҳамда замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини мамлакатимизда қўллаш амалиётини жорий этиш мақсадида эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан экспертиза ва тадқиқотларнинг қуйидаги янги турлари ўтказилиши йўлга қўйилади:

а) 2022 йил якунига қадар:

видео ва фототехника экспертизаси, шу жумладан видеоёзувларда қайд қилинган транспорт воситасининг ҳаракатланиш тезлигини аниқлаш экспертизаси;

электр таъсирли қуроллар экспертизаси;

газли қуроллар экспертизаси;

газ-ҳаво аралашмаси ва физик портлашлар экспертизаси;

транспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонлари портлаши экспертизаси;

одам ДНКси биологик экспертизаси;

махсус техника ва транспорт воситаларини баҳолаш экспертизаси;

озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизаси;

б) 2023 йил якунига қадар:

рақамли маълумотлар базаси экспертизаси;

Интернет тармоғида булутли сервислар экспертизаси;

фоноскопия экспертизаси.

Ички ишлар вазирлиги (Я. Абдулхаков, А. Икрамов) эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятига киритилаётган экспертиза ва тадқиқотларнинг янги турлари бўйича методикаларни ишлаб чиқиш ҳамда мазкур йўналишлар бўйича ходимларни ўқитишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисида низом 1-иловага* мувофиқ;

Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

Ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларини 2022 йилда моддий-техника воситалари билан таъминлаш дастури 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ички ишлар вазирлиги (Я. Абдулхаков, Н. Тураходжаев):

икки ой муддатда 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган ички ишлар органларининг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятида ашёвий далиллар бўйича исботлов базасини мустаҳкамлаш ва рақамли ахборот-қидирув тизимларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2023 йил 1 январга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунга мувофиқ шахс, буюм ва ҳодисалар тўғрисида олинган ахборотлар бўйича автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимини яратиш ва жорий этиш чораларини кўрсин;

2023 йил якунига қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда суд-тергов фаолиятида ашёвий далил сифатида олинган синтетик турдаги гиёҳвандлик, шунингдек, психотроп ва кучли таъсир этувчи дори воситаларининг кимёвий таркиби бўйича марказлашган ахборот-қидирув тизимини яратиш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 декабрь кунига қадар эксперт-криминалистика бўлинмаларидаги иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни таъминласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ички ишлар вазирлиги Академияси Криминалистик экспертизалар кафедрасига белгиланган тартибда тегишли суд экспертизалари (дактилоскопик, трасологик, баллистик, совуқ қуроллар, портрет, хатшунослик ва бошқалар) ва тадқиқотларни ўтказиш ҳуқуқи берилади;

---

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** 3-илова берилмайди.

соҳанинг илмий-техник салоҳиятини ошириш мақсадида эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш тизими «мотивация-шароит-рағбат-натижа» тамойили асосида, мустақил экспертиза ўтказиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар сони, ўтказилган экспертизанинг мураккаблиги ва жиноятларни фош этишдаги ҳиссасини қамраб олувчи мезонларга мувофиқ ташкил этилади.

Ички ишлар вазирлиги (А. Икрамов, Р. Хатамов):

Ички ишлар вазирлиги Академиясида замонавий эксперт-криминалистика жиҳозлари ва техник воситалар билан жиҳозланган ўқув-лаборатория комплексини ташкил этиш чораларини кўрсин ва ўқув жараёнида ундан кенг фойдаланилишини таъминласин;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги Академиясининг бакалавриат дастури бўйича таълим тизимида «рақамли криминалистика асослари» фани ўқитилишини йўлга қўйсин.

6. Белгилансинки, эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар ҳамда фуқаровий ва хизмат қуролларини Давлат ўқ-гильзотекасига ҳисобга қўйишдан тушадиган йиғимлар ички ишлар органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилади ва қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

ашёвий далиллар тадқиқотининг замонавий усуллари бўйича ўтказиладиган илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларини молиялаштириш;

эксперт-криминалистика бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, технологик ривожлантириш, шу жумладан, лаборатория жиҳозлари, сарфлаш материаллари ва махсус криминалистик техник воситалар харид қилиш;

шахсга доир биометрик маълумотлар бўйича автоматлаштирилган идентификация тизимларининг намунавий ва тажрибавий лойиҳаларини синовдан ўтказиш;

эксперт-криминалистика фаолиятини халқаро стандарт талаблари асосида сертификатлаш ва тадқиқот лабораторияларини аккредитациядан ўтказиш;

эксперт-криминалистика фаолиятини амалга ошириш ва махсус криминалистик лабораториялар ишини самарали ташкил этиш мақсадида малакали, шу жумладан хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

эксперт-криминалистика бўлинмаларининг ходимларини хорижий етакчи турдош идора, марказ ва олий таълим муассасаларида замонавий криминалистик экспертиза турлари бўйича ўқитиш;

эксперт-криминалистика бўлинмаларининг ходимлари, ишчи ва хизматчиларини, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик лойиҳаларини амалга оширишда яқиндан кўмаклашган фуқаролар ва бошқа ташкилотларнинг илмий ходимларини моддий рағбатлантириш;

халқаро молия институтларининг кредитларини сўндириш.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) билан биргаликда уч ой муддатда жиноятлар содир эти-

лишининг янги услублари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда суд-тиббий экспертизаларни ўтказиш соҳасини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) икки ой муддатда:

технологик ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, эксперт-криминалистика бўлинмаларини замонавий техника, ахборот-коммуникация тизимлари ва махсус воситалар билан таъминлаш меъёрини тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсан жавобгар этиб ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва унинг ўринбосарлари Я. Абдулхаков, А. Икрамов, Н. Тураходжаев белгилансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 8 февраль,
ПҚ–122-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 54 Давлат муассасаларини ислоҳ қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат муассасалари фаолиятида замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик тамойилларини жорий этиш ҳамда хусусий капитал иштироки учун кенг имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) бир товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган, рақобат ривожланган соҳаларда фаолият юритаётган давлат муассасалари тугатилади ёки хўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда хусусий секторга сотилади;

б) давлат муассасалари мажбурий тартибда Ягона ғазна ҳисобварағида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

в) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз расмий веб-сайтларида ўзларининг таркибига кирувчи давлат муассасаларининг номи, фаолият тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради ва унинг доимий равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

давлат муассасаларининг ҳудудлар ва юқори турувчи органлари кесимидаги маълумотлар Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) веб-сайтига жойлаштирилади;

Очиқ маълумотлар порталида фойдаланувчилар учун қулай форматларда кўриш имкониятини яратган ҳолда муассасаларнинг юқори турувчи ташкилоти, кўчмас мулк объектлари, қурилиши тугалланмаган объектлар ва автотранспорт воситалари, режалаштирилган ва амалга оширилган харажатлар таркиби ҳақидаги ва бошқа маълумотларни (бундан тижорат сири мавжуд ёки чекланган ҳолда тарқатиладиган маълумотлар мустасно) эълон қилиш амалиёти жорий этилади;

г) давлат муассасаларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорда ҳамда муассаса устави (низоми)да унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли «давлат муассасаси» эканлиги кўрсатилади;

д) хўжалик жамиятлари устав фонди (устав капитали)даги давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари, Марказий банк ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли акциялар ва улушлар давлат улушлари ҳисобланади;

е) давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларига тегишли бўлган хўжа-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 февралда эълон қилинган.

лик жамиятларининг устав фонди (устав капитали)даги улушлар ва акциялар давлат улуши ҳисобланмайди.

2. Агентлик, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлган давлат муассасаларини 2022 йил 1 мартдан 2023 йил 1 августга қадар эксперимент тариқасида ташқи, шу жумладан мол-мулкнинг мавжудлиги, мажбуриятлар бажарилишининг амалдаги ҳолати ва оқибатларини ўрганиш масалалари юзасидан аудиторлик текширувидан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари давлат муассасаларига хўжалик жамиятларини таъсис қилишни ҳамда уларнинг устав фонди (устав капитали)да иштирок этишни тақиқлаш.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ушбу банднинг учинчи хатбошисида белгиланган талабларга қатъий риоя этилишини таъминласин.

3. Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига (кейинги ўринларда — Давлат тендер комиссияси) давлат муассасаларини (бундан хусусийлаштирилмайдиган давлат муассасалари мустасно) хўжалик жамиятларига ўзгартириш, шунингдек, давлат муассасаларини тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун муассисларга кўрсатма ва таклифлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Давлат тендер комиссияси:

а) бир ой муддатда фаолият кўрсатмаётганлиги сабабли тугатиладиган давлат муассасалари рўйхати ва уларни тугатиш жадвалини тасдиқласин;

б) 2022 йил 1 сентябрга қадар:

барча давлат муассасаларини хатловдан ўтказиб, уларнинг даромад келтирадиган фаолиятини кўриб чиққан ҳолда ташкилий-ҳуқуқий шакллари қонунчилик ҳужжатларига мослигини ўрганиб чиқсин;

битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган, рақобат ривожланган соҳаларда фаолият юритаётган давлат муассасаларини ва уларга тегишли носоҳавий активларни хусусийлаштириш ёки уларни белгиланган тартибда тугатиш бўйича чораларни кўрсин.

5. Монополияга қарши курашиш қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йилдан бошлаб, ҳар йили 1 майга қадар давлат муассасалари фаолиятини таҳлил қилиб, битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган, рақобат ривожланган соҳаларда фаолият юритаётган давлат муассасаларини хусусийлаштириш ёки тугатиш бўйича таклифларни Давлат тендер комиссиясига киритиб борсин.

6. Молия вазирлиги:

икки ой муддатда давлат молиясини бошқариш ахборот тизимини (кейинги ўринларда — «ДМБАТ») бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуага (кейинги ўринларда — «UzASBO») интеграция қилган ҳолда, ушбу тизимлардан мазкур қарорнинг 1-банди «в» кичик бандида назарда тутилган маълумотлар Очиқ маълумотлар порталида эълон қилинишини;

уч ой муддатда ҳар бир давлат муассасасига Ягона ғазна ҳисобварағида шахсий ғазна ҳисобварақлари очилишини;

2022 йил 1 апрелга қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Агентлик, Давлат хизматлари агентлигининг маълумотлар базаларини «ДМБАТ» ва «UzASBO»га интеграция қилинишини таъминласин.

7. Вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

2022 йил 1 апрелга қадар ўз таркибидаги давлат муассасаларининг қонунчиликда белгиланган тартибда, давлат божи ундирилмасдан Давлат хизматлари марказларида рўйхатдан ўтказилишини;

ўз таркибидаги давлат муассасаларининг молиявий кўрсаткичлари, жумладан маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврининг кейинги ойи давомида, йил якунлари бўйича эса кейинги молия йилининг 25 февралига қадар Агентликнинг ахборот тизимида жойлаштириб борилишини таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда тугатилган давлат муассасалари ва корхоналарига тегишли бўлган, Агентлик ва Молия вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериладиган акциядорлик жамиятларининг устав капиталидаги акция пакетлари рўйхатини тасдиқласин.

9. Агентлик:

Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 октябрга қадар ушбу қарорнинг 2-банди иккинчи хатбошисидан келиб чиқиб, эксперимент натижаларини пухта таҳлил этган ҳолда давлат муассасаларини мажбурий ташқи аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 майга қадар давлат муассасалари тўғрисидаги низом лойиҳасини ҳамда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва

Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 октябргача қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 8 февраль,
ПҚ–123-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 55 Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятининг ташкил этилиши ўзбек заминида таваллуд топиб, илмий фаолият олиб борган буюк аллома ва мутафаккирлар меросини илмий тадқиқ этиш ва унинг натижаларидан амалий фойдаланиш жараёнида янги босқични бошлаб берди.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида улуғ аллома ва мутафаккирларимизнинг кўплаб бебаҳо асарларини, ноёб ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш ва келажак авлодга безавол етказиш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизнинг бебаҳо мулки ҳисобланган ноёб ёзма ва тошбосма меросни сақлаш ва тадқиқ қилиш тизимини янада такомиллаштириш

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 февралда эълон қилинган.

ҳамда бу жараёнга рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5186-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қадимий ёзма манбаларни марказлашган ҳолда сақлаш, тадқиқ этиш, уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича масъул давлат муассасалари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази (кейинги ўринларда — Марказ), Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (кейинги ўринларда — Шарқшунослик институти) ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг (кейинги ўринларда — Миллий кутубхона) жамоатчилик учун очиқ бўлган Қадимий ёзма манбалар давлат реестрини (кейинги ўринларда — Давлат реестри) шакллантириш ва давлат тасарруфидаги музейлар, кутубхоналар ва архив фондлари фаолиятига интеграция қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Марказ Давлат реестрини шакллантириш ва юритиш, шунингдек, қадимий ёзма манбаларни босқичма-босқич рақамлаштириш учун масъул давлат муассасаси этиб белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Марказ:

республика ҳудудидаги барча музейлар, кутубхоналар ва архив фондларида сақланаётган қадимий ёзма манбаларнинг давлат реестрини тузади ва доимий мониторингини юритади;

Давлат реестри асосида қадимий ёзма манбаларнинг турлари бўйича (қўлёзма, тошбосма манбалар, тарихий ҳужжатлар) каталоглари ва электрон нусхаларини яратади, уларни Қадимий ёзма манбалар давлат реестрини юритиш бўйича ягона ахборот тизимига киритиш ҳамда мунтазам тўлдириб бориш чораларини кўради;

Марказ ва Шарқшунослик институтида марказлашган ҳолда сақланадиган ва Давлат реестрига киритилган қадимий ёзма манбаларнинг ҳолати, доимий мониторинг ва тадқиқ этилиши натижалари ҳақидаги маълумотларнинг мунтазам равишда махсус порталлар ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан биргаликда қадимий ёзма манбаларнинг консервацияси ва реставрацияси билан шуғулланаётган соҳа ходимларининг мунтазам равишда касбий салоҳияти ва малакасини ошириш, шунингдек, соҳа учун етук мутахассис кадрларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

4. Марказ:

а) бир ой муддатда Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси ва «Ўзархив» агентлиги билан биргаликда Қадимий ёзма манбалар давлат реестрини юритиш бўйича ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда — ягона ахборот тизими) яратиш концепцияси ва техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда лойиҳа техник ҳужжатларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

б) икки ой муддатда:

Шарқшунослик институти, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Маданий мерос агентлиги ва «Ўзархив» агентлиги билан биргаликда Қадимий ёзма манбалар давлат реестри тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

республика ҳудудидаги музейлар, кутубхоналар, архив фондлари ва бошқа муассасаларда сақланаётган қадимий ёзма манбаларнинг илмий долзарблиги ва муҳимлигига қараб, уларни таржима ва тадқиқ қилиш жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ҳамда халқчил тилда босқичма-босқич нашр этилишини йўлга қўйсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси Марказ билан биргаликда:

икки ой муддатда давлат тасарруфидаги музейлар, кутубхоналар, архив фондлари ва бошқа муассасаларда сақланаётган қадимий ёзма манбаларни Марказ тасарруфига ўтказиш бўйича режани тасдиқлаб, босқичма-босқич амалга оширсин;

Марказга сақлаш ва тадқиқ қилиш учун олиб келинган қадимий ёзма манбаларнинг тегишли (ҳудудий, идоравий, шахсий ва бошқа) мансублигидан келиб чиқиб, алоҳида коллекция ҳолида муҳофаза қилинишини таъминласин;

режа-график асосида хорижий мамлакатларга илмий экспедициялар уюштириш орқали аҳоли ва турли фондларда сақланаётган юртимиз алломалари ва мутафаккирларининг ижодига мансуб бўлган қадимий ёзма манбаларнинг каталогларини ва электрон нусхаларини аниқлаш, Марказ фондига олиб келиш ва илмий муомалага киритиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда жисмоний ва юридик шахслардан қадимий ёзма манбаларни харид қилиш, уларни давлат тасарруфига топшириш механизмларини ишлаб чиқсин.

6. Марказ ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Қадимий ёзма манбаларни консервация ва реставрация қилиш лабораторияси (кейинги ўринларда — Лаборатория) ташкил этилсин ва Лаборатория томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовларининг асосий йўналишлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Лаборатория республика ҳудудидаги музейлар, кутубхоналар ва бошқа

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муассасаларнинг архив фондларида, жисмоний ва юридик шахсларда сақланаётган қадимий ёзма манбаларни уларнинг буюртмаси асосида таъмирлаш ишларини амалга оширади;

қадимий ёзма манбаларни таъмирлашдан тушган маблағлар Марказ ва Лаборатория фаолиятини ривожлантиришга сарфланади;

Лабораторияни ташкил этиш, зарур асбоб-ускуналар, бутловчи материаллар билан таъминлаш ва уларни ўрнатиш, шунингдек, ўз ташаббусига кўра Марказ фондида сақланаётган қадимий ёзма манбаларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар Марказ учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг техник кўмак маблағлари (грантлари) ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Лаборатория фаолиятига ёзма манбалар консервацияси ва реставрацияси йўналишида етарли даражадаги билим ва иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар Марказ томонидан Жамғарма ҳисобидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилинади.

Лаборатория Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй манзилидаги Ўзбекистон халқаро ислом академияси биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида вақтинча жойлаштирилсин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Б. Абидов, Ш. Вафаев) Лаборатория фаолияти учун халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг техник кўмак маблағлари (грантлари)ни жалб қилишга кўмаклашсин.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида «Қадимий ёзма манбалар консервацияси ва реставрацияси» таълим йўналишида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

Шарқшунослик институти ва Марказ билан биргаликда икки ой муддатда республикадаги илмий марказлар, музейлар, кутубхоналар ва бошқа муассасаларнинг қўлёзма фондларидаги ҳолатни ўрганиб, манбашунос-реставраторларга бўлган мавжуд эҳтиёжни аниқласин ҳамда 2022/2023 ўқув йили учун таълим йўналишига квота ажратиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат шарқшунослик университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Бухоро давлат университети ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясида «Матншунослик ва адабий манбашунослик» таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича бакалавриат ва магистратура босқичлари учун зарур квоталар доимий ажратиб борилишини таъминласин.

Белгилансинки:

«Матншунослик ва адабий манбашунослик» ҳамда «Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз филология)» таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаларнинг ўқув жараёни, амалиёти, диплом иши ва магистрлик диссертациялари ҳимоялари Шарқшунослик институти, Марказ, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва бошқа қўлёзма фондларида соҳанинг етук мутахассислари ва олимлари иштирокида ўтказилади;

Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Матншунослик ва адабий манбашунослик» таълим йўналиши бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги уч ой муддатда:

Марказ, Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази учун қадимий ёзма манбаларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси белгиланган тартибда шакллантирилишини;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган мақсадли илмий лойиҳаларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Марказ Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, «Эл-юрт умиди» жамғармаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб қўлёзмаларни сақлаш ва тадқиқ этиш билан шуғулланувчи илмий ходим ва реставраторларнинг ҳар йили хорижда амалиёт ўташи ва стажировкасини ташкил этиш чораларини кўриб борсин.

Илмий ходим ва реставраторларнинг хорижда амалиёт ўташи ва стажировкаси буюртмачи ташкилотлар учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этилиши белгилаб қўйилсин.

11. Мамлакатимиз ҳудудида яшаб ўтган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини аҳоли, айниқса ёшлар орасида янада оммалаштириш, улар тўғрисидаги маълумотларни замонавий усуллар орқали жамоатчиликка етказиш, шунингдек, мазкур йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар учун янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида Интернет жаҳон ахборот тармоғида Юртимиз алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти ҳамда маънавий мероси ҳақидаги илмий-маърифий портал (кейинги ўринларда — илмий-маърифий портал) ва унинг мобиль иловаси ишга туширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат реестрини шакллантириш, илмий-маърифий портал ва унинг мобиль иловасини ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар Марказ учун Давлат бюджетида назарда тутилган мақсадли маблағлар ҳамда кейинчалик уни сақлаш ва фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

12. Қуйидагилар:

а) Марказ Миллий кутубхона, Кинематография агентлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

илмий-маърифий порталнинг ишга туширилишини;

илмий-маърифий порталга буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти, илмий мероси ҳақидаги маълумотлар, уларнинг фаолиятига оид чоп этилган китобларнинг электрон нусхалари, фильмлар ҳамда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган бошқа турдаги маълумотлар жойлаштирилишини;

б) Ёшлар ишлари агентлиги Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Марказ ва Миллий кутубхона билан биргаликда икки ой муддатда ҳудудларда ёшлар етакчилари томонидан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда илмий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш бўйича маҳаллалар кесимида «йўл харита»лари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминласин.

13. Шарқшунослик институти, Марказ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ЮНЕСКО, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом олами ташкилоти (ICESCO), Ислом тарихи, маданияти ва санъатини тадқиқ этиш маркази (IRCICA) каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда анъанавий тарзда қадимий ёзма манбаларни муҳофаза қилиш ва тадқиқ этишнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конференцияни ташкил этсин.

14. Марказ Фанлар академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Марказий Осиё минтақаси доирасида қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш соҳасида қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Марказ ва Фанлар академияси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Ислом тараққиёт банки ва бошқа жамғармалар, донор ташкилотларнинг беғараз маблағлари ҳамда ёрдамларини жалб этиш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ–5186-сон қарорига 2-иловага* мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

17. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

касининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси М.М. Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 10 февраль,
ПҚ–126-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

### 56 Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3348*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхати иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 17 январь,
3-сон

---

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 февралда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 57 Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари, Давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, прокуратура органларининг пенсионерлари ҳамда давлат божхона хизмати органларининг пенсионерлари, Миллий гвардия органларининг собиқ ходимлардан бўлган пенсионерлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда санаторий-курорт таъминоти ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3349*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 522-сон «Ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, миллий гвардия органлари, давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, прокуратура органларининг пенсионерлари ҳамда давлат божхона хизмати органларининг пенсионерлари, Миллий гвардия органларининг собиқ ходимлардан бўлган пенсионерлари ва давлат фельдъегерлик хизмати пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда санаторий-курорт таъминоти ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 9 февралда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазири** **Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 8 февраль,
2-сон

**Бош прокурор** **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 30 январь,
3-ҚҚ-сон

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири** **Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 31 январь,
31/1-сон

**Ички ишлар вазири** **П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 8 февраль,
5ҚҚ180222-сон

**Миллий гвардия қўмондони** **Р. ДЖУРАЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 3 февраль,
5-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси** **А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 2 февраль,
3/02-22-00036-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги
2-сон, Бош прокуратурасининг 2022 йил
30 январдаги 3-ҚҚ-сон, Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш
вазирлигининг 2022 йил 31 январдаги 31/1-сон,
Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 8 феврал-
даги 5ҚҚ180222-сон, Миллий гвардиясининг
2022 йил 3 февралдаги 5-сон ва Давлат божхона
қўмитасининг 2022 йил 2 февралдаги
3/02-22-00036-сон қарорига
ИЛОВА

**Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари, Давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, прокуратура органларининг пенсионерлари ҳамда давлат божхона хизмати органларининг пенсионерлари, Миллий гвардия органларининг собиқ ходимлардан бўлган пенсионерлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда санаторий-курорт таъминоти ҳақидаги**

# НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 522-сон «Ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари, Давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, прокуратура органларининг пенсионерлари ҳамда давлат божхона хизмати органларининг пенсионерлари, Миллий гвардия органларининг собиқ ходимлардан бўлган пенсионерлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда санаторий-курорт таъминотини кўрсатишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари, Давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек прокуратура органларининг пенсионерлари ҳамда давлат божхона хизмати орган-

ларининг пенсионерлари, Миллий гвардия органларининг собиқ ходимлардан бўлган пенсионерлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига ҳамда Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти курсантларига (бундан буён матнда бириктирилган таркиб деб юритилади) ички ишлар органларининг тиббиёт муассасалари, шунингдек фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширувчи бошқа даволаш-профилактика муассасалари томонидан бепул тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий таъминот берилади ҳамда тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади.

2. Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Давлат фельдъегерлик хизмати тасарруфидаги бино ва иншоотларда санитария назоратини амалга ошириш ҳамда ходимлар орасида юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши хавфи бўлган тақдирда тегишли санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши курашиш тадбирларни ўтказиш ички ишлар органлари тизимидаги санитария-эпидемиология назорат марказлари томонидан амалга оширилади.

## 2-боб. Тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминоти кўрсатишни ташкил этиш

3. Бириктирилган таркибга тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тиббиёт бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг тиббиёт бўлимлари томонидан амалга оширилади.

4. Бириктирилган таркибга ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида амбулатория ва стационар шароитларда тиббий текширувлардан ўтказиш, даволаш, соғломлаштириш, шунингдек ушбу муассасалар томонидан уларга тиббий кўрсатмалар бўйича яшаш жойларига бориб амбулатор тиббий ёрдам кўрсатиш бепул амалга оширилади.

5. Бириктирилган таркибга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам ташкил этиш мақсадида гинекологик, эндокрин, тери, сил, онкология касалликлари ва 18 ёшга тўлмаган болаларнинг патологияси бўйича тегишли ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан бериладиган йўлланма асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларига юборилади.

6. Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати ходимларини (бундан буён матнда ходим деб юритилади) тиббий кўрсатмалар бўйича тиббий ёрдам олиши учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юбориш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус комиссияси хулосаси асосида амалга оширилади.

Бунда, ходимнинг тиббий ёрдам олиши учун сарфланадиган харажат-

ларни қоплаш, ходим меҳнат фаолиятини (хизмат) олиб бораётган органнинг ўз маблағлари ёки бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, мазкур органнинг биринчи раҳбари рухсати билан амалга оширилади.

7. Прокуратура органлари ҳамда адлия органлари (муассасалари) ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига, прокуратура органларининг пенсионерларига, давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига, шунингдек давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати ходимларининг оила аъзоларига меҳнатга вақтинча яроқсизлиги ҳолатларида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва маълумотномалари Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2667, 2015 йил 17 апрель) талаблари асосида ички ишлар органларининг даволаш-профилактика муассасалари томонидан берилади.

8. Давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати ходимларига хизматга вақтинча яроқсизлиги ҳолатларида вақтинчалик хизматдан озод қилиш варақаси ёки маълумотномаси ички ишлар органларининг даволаш-профилактика муассасалари томонидан ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган тартибда берилади.

9. Ходим Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт муассасаларида даволанган ҳолларда унга мазкур муассасалар томонидан берилган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотномаси, вақтинчалик хизматдан озод қилиш варақаси ёки маълумотномаси тегишли ички ишлар органининг даволаш-профилактика муассасаларида рўйхатга олинган ва тасдиқлангандан сўнг тан олинади.

## 3-боб. Тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминотини амалга ошириш

10. Ходимлар ҳар йили бир маротаба ўзлари бириктирилган даволаш-профилактика муассасаси томонидан тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

Давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари ва Давлат фельдъегерлик хизматининг чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўрикдан ўтказиладиган ходимлари ҳақидаги маълумотлар тегишли ҳудуддаги Давлат божхона хизмати органи, Миллий гвардия органи ва Давлат фельдъегерлик хизмати томонидан ушбу ҳудуддаги ички ишлар органига тақдим қилинади.

Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш режаси тегишли органнинг масъул ходимлари томонидан бириктирилган даволаш-профилактика муассасаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда тузилади.

11. Ходимни тиббий кўрикдан ўтказиш натижаси бўйича ходимда меҳнат фаолиятини (хизматни) давом эттиришга тўсқинлик қилувчи касалликлар аниқланган ҳолларда ушбу ходимлар ҳақидаги маълумотлар тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан меҳнат фаолиятини (хизмат) олиб бораётган органга юборилади.

12. Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида ходим ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар билан касалланганлиги аниқланганда, ушбу ходим бириктирилган даволаш-профилактика муассасаси мутахассислари томонидан назоратга олиниб, уни даволаш ва соғломлаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тегишли тиббиёт муассасаларида амалга оширилади.

13. Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек ходимнинг мурожаати асосида ўтказилган тиббий кўрик натижасида аниқланган бир ёки бир нечта касаллик (касалликлар) билан диспансер назорат гуруҳида рўйхатга олинган ходимларнинг соғлиғи ҳолатини кузатиб бориш, уларда тегишли тиббий текширув ва кўриклар ҳамда даволаш ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш ички ишлар органларининг тегишли даволаш-профилактика муассасаси томонидан амалга оширилади.

14. Ходимларга Ички ишлар вазирлиги тизимидаги санаторий-курорт муассасаларида санаторий-курорт шароитида даволаниш учун йўлланмалар ходим меҳнат фаолиятини олиб бораётган (хизмат ўтаётган) тегишли орган томонидан берилади.

15. Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари ҳамда Давлат фельдъегерлик хизмати ўзларининг ходимлари учун Ички ишлар вазирлиги тизимидаги санаторий-курорт муассасаларида санаторий-курорт шароитида даволанишни ташкил қилиши тегишли ҳудуддаги ички ишлар органи билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда тегишли орган ўзи жойлашган ҳуduddаги ички ишлар органига ёзма равишда мурожаат қилиши лозим.

16. Санаторий-курорт муассасаларида даволанишга муҳтож шахслар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари мутахассис шифокорларининг ташхиси асосида аниқланади.

17. Қуйидаги шахслар бириктириш рўйхатлари асосида ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларига тиббий хизмат олиш учун бириктирилади ва уларнинг алоҳида ҳисоби юритилади:

а) прокуратура органларининг даражали унвонга эга бўлган ходимлари, иш ўрганувчилари, шунингдек прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захирасига киритилган ходимлар;

б) адлия органларининг (муассасаларининг) мартаба даражасига эга бўлган ходимлари;

в) давлат божхона хизмати органларининг ва Миллий гвардия органларининг ҳамда Давлат фельдъегерлик хизматининг махсус унвонга эга ходимлари, шунингдек амалдаги кадрлар захирасига киритилиб, бошқа ташкилотларга юборилган ходимлар;

г) прокуратура органлари, давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари ҳамда Давлат фельдъегерлик хизматида 20 йил ва ундан ортиқ хизмат қилган ёки 25 йил меҳнат стажига эга бўлиб, шундан камида 12,5 йил прокуратура органлари, давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари ҳамда Давлат фельдъегерлик хизмати тизимида хизмат қилган пенсионерлар;

д) хизмат муддатидан қатъи назар, хизмат вазифасини бажаришда жароҳат олиш, контузия, ярадор бўлиш, касалланиш оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

е) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобиль АЭС фалокати оқибатларини тугатиш бўйича зарарланган зонада хизмат вазифасини ўтаган шахслар ва ядро полигонларида ҳамда бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

18. Мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилган шахсларнинг оила аъзолари ички ишлар органларининг тегишли даволаш-профилактика муассасалари томонидан бериладиган рухсатномалар асосида ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларига тиббий хизмат кўрсатиш учун бириктирилади ва уларнинг алоҳида ҳисоби юритилади.

19. Ходим тегишли органда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёки хизматда бўлган даврда қонуний никоҳда бўлган хотини (эри) (никоҳ бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно), 18 ёшгача бўлган болалари (фарзандликка олинганлар), ёшидан қатъи назар, болаликдан ногиронлиги бўлган болалари ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари ҳисобланади.

Ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида стационар тиббий ёрдам 18 ёшдан бошлаб кўрсатилади.

20. Меҳнат фаолияти ёки хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки вафот этган ходимларнинг оила аъзолари ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар, шунингдек уларнинг пенсия ёшидаги ёки ногиронлиги бўлган ота-онаси тиббий хизмат кўрсатиш учун бириктирилади.

21. Мазкур Низом 17-бандида назарда тутилган шахсларнинг боқувчисини йўқотганлик пенсиясини расмийлаштирган оила аъзолари ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

22. Ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган шахсларнинг яшаш жойи ўзгарганда, улар шу ҳududдаги тегишли ички ишлар органига мурожаат қилади ва ушбу ички ишлар органи тиббиёт бошқармаси ёки бўлимларидаги махсус тиббий комиссия қарори асосида мазкур даволаш-профилактика муассасаларига тиббий хизматга бириктирилади.

23. Бириктириш рўйхатлари ҳамда пенсионерлик гувоҳномалари асосида тегишли ички ишлар органининг тиббиёт бошқармаси ёки бўлимлари томонидан тиббий хизмат кўрсатиш учун бириктирилган таркибга ички ишлар органлари тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан тиббий хизматдан фойдаланиш учун рухсатномалар берилади.

24. Давлат божхона қўмитаси таълим муассасалари курсант ва тинг-

ловчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш мазкур таълим муассасаларининг тиббий хизматида амалга оширилади. Таълим муассасаларининг тиббий хизматида тегишли мутахассислар ва тиббий текширувлар ўтказиш учун тегишли тиббий асбоб-ускуналар бўлмаган ҳолларда ички ишлар органларининг даволаш-профилактика муассасалари томонидан тиббий ёрдам кўрсатилади.

25. Ички ишлар органлари даволаш-профилактика муассасаларида зарур тиббий хизмат турлари мавжуд бўлмаган ҳолларда даволаш-профилактика муассасаларининг пулли хизматидан фойдаланганлик харажатлари ходим меҳнат фаолиятини (хизмат) олиб бораётган органнинг ўз маблағлари ёки бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан мазкур органнинг биринчи раҳбарининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

## 4-боб. Бириктирилган таркибни даволаш-профилактика муассасаларида дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш

26. Бириктирилган таркиб амбулатор ёки стационар шароитда даволанишда дори воситалари ва тиббий буюмлар билан ўзлари даволанаётган ички ишлар органларининг даволаш-профилактика муассасалари орқали ёки рецепт асосида дорихоналар орқали таъминланади.

27. Бириктирилган таркиб юқумли касалликларга қарши режали ва эпидемиологик кўрсатмалар бўйича ички ишлар органлари даволаш-профилактика муассасалари томонидан бепул эмланади.

28. Ички ишлар органлари даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари, вакциналар, тиббий буюмлар ва ускуналар билан тўлақонли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг сўровига асосан Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардияси ҳамда Давлат фельдегерлик хизмати ўз имкониятидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармасига молиявий маблағлар ажратиши мумкин.

## 5-боб. Якуний қоидалар

29. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

30. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

*Келишилди:*

***Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари*** ***А. ИНОЯТОВ***

*2022 йил 10 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 58 Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3296-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ–6310-сон «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида» Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 01-02/13-20-сон қарори (рўйхат рақами 3296, 2021 йил 4 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2021 й., 10/21/3296/0410-сон) билан тасдиқланган Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 19 январь,
01-02/16-00002-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил
19 январдаги 01-02/16-00002-сон қарорига
ИЛОВА

## Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

1. 40-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ТИФ ТН кодига аниқлик киритиш бўйича экспертиза тайинланган товарлар.».

2. Қуйидаги мазмундаги $42^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$42^1$. ТИФ ТН кодига аниқлик киритиш бўйича экспертиза тайинланган товарларга нисбатан тақиқ ва чекловлар белгиланган бўлса, ТББЮД расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.».

3. Қуйидаги мазмундаги $46^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$46^1$. Божхона органи томонидан тайинланган экспертиза натижаси юзасидан қабул қилинган ТИФ ТН коди декларант ёки божхона брокерига ТЭД ААТ орқали тақдим этилади ҳамда тўлиқ БЮД экспертиза хулосасида белгиланган ТИФ ТН код асосида қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича расмийлаштирилади.».

4. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

***Келишилди:***

***Савдо-саноат палатаси раиси*** ***А. ИКРАМОВ***

*2021 йил 20 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 59 Техник этил спиртини ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2015-3***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ—6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 7 сентябрдаги 170-сон буйруғи (рўйхат рақами 2015, 2009 йил 12 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 42-сон, 451-модда) билан тасдиқланган Техник этил спиртини ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 1 февраль,
25/ЮБ-18-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-18-сон
қарорига
ИЛОВА

## Техник этил спиртини ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Электр ускуналарида бажариладиган ишлар хавфсизлигини таъминловчи чора-тадбирлар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ бажарилади.».

3. 40-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 78-банддаги «Давлат санитар назорати органлари» деган сўзлар «санитария-эпидемиология хизматлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 60 Линолеум учун ёпишқоқ мастикалар, нитролаклар, нитроэмаллар ва нитромастикалар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2016-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ва 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 7 сентябрдаги 169-сон буйруғи (рўйхат рақами 2016, 2009 йил 12 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 42-сон, 452-модда) билан тасдиқланган Линолеум учун ёпишқоқ мастикалар, нитролаклар, нитроэмаллар ва нитромастикалар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 1 февраль,
25/ЮБ-19-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-19-сон
қарорига
ИЛОВА

## Линолеум учун ёпишқоқ мастикалар, нитролаклар, нитроэмаллар ва нитромастикалар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Электр ускуналарда бажариладиган ишлар хавфсизлигини таъминловчи чора-тадбирлар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ бажарилади.».

3. 42-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 86-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«86. Линолеум учун ёпишқоқ мастикалар, нитролаклар, нитроэмаллар ва нитромастикалар ишлаб чиқаришининг электр симлари ва электр қурилмалари, электр тармоқларини монтаж қилиш ва фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларида белгиланган хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилиниши лозим.».

5. 113-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«113. Анализаторларнинг ўлчов асбоблари, автоматик газоанализаторлар ва унга тегишли бошқа асбоблар портлаш хавфи бўлган хоналарда ва очиқ портлаш хавфи бўлган қурилмаларда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларини ҳисобга олган ҳолда қулфланадиган шкафларда жойлаштирилиши керак.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 61 Сирка кислотаси ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2073-3***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 21 декабрдаги 271-сон буйруғи (рўйхат рақами 2073, 2010 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Сирка кислотаси ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 1 февраль,
25/ЮБ-20-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-20-сон
қарорига
ИЛОВА

## Сирка кислотаси ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 38-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 71-банддаги «Давлат санитар назорати органлари» деган сўзлар «Санитария-эпидемиология хизматлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 97-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«97. Анализаторларнинг ўлчов асбоблари, автоматик газоанализаторлар ва унга тегишли бошқа асбоблар портлаш хавфи бўлган хоналарда ва очиқ портлаш хавфи бўлган қурилмаларда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларини ҳисобга олган ҳолда қулфланадиган шкафларда жойлаштирилиши керак.».

5. 141-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«141. Сирка ишлаб чиқаришининг электр симлари ва электр қурилмалари, электр тармоқларини монтаж қилиш ва фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларида белгиланган хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилиниши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 62 Гидридланган мойлар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2218-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ—6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 18 мартдаги 66-сон буйруғи (рўйхат рақами 2218, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 166-модда) билан тасдиқланган Гидридланган мойлар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 1 февраль,
25/ЮБ-21-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-21-сон
қарорига
ИЛОВА

**Гидридланган мойлар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 33-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 81-банддаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «санитария-эпидемиология хизматлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 110-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«110. Ташкилотларда электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари ва мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 63 Пресслаш ва экстракциялаш усули билан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2225-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ−6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 25 апрелдаги 93-сон буйруғи (рўйхат рақами 2225, 2011 йил 10 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 19-сон, 194-модда) билан тасдиқланган Пресслаш ва экстракциялаш усули билан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 1 февраль,
25/ЮБ-22-сон

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-22-сон
қарорига
ИЛОВА

## Пресслаш ва экстракциялаш усули билан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 33-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 81-банддаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «санитария-эпидемиология хизматлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 129-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«129. Ташкилотларда электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари ва мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 64 Тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2274-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ—6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 5 сентябрдаги 199-сон буйруғи (рўйхат рақами 2274, 2011 йил 4 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 441-модда) билан тасдиқланган Тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 1 февраль,
25/ЮБ-23-сон

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-23-сон
қарорига
ИЛОВА

## Тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

2. 33-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 58-банддаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «санитария-эпидемиология хизматлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 82-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82. Ташкилотларда электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилиниши керак.».

5. 166-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«166. Анализаторларнинг ўлчов асбоблари, автоматик газоанализаторлар ва унга тегишли бошқа асбоблар портлаш хавфи бўлган хоналарда ва очиқ портлаш хавфи бўлган қурилмаларда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларини ҳисобга олган ҳолда қулфланадиган шкафларда жойлаштирилиши керак.».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 65 Ядро физикаси корхоналарида ишлар хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2612-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 6 августдаги 108-сон буйруғи (рўйхат рақами 2612, 2014 йил 27 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 35-сон, 448-модда) билан тасдиқланган Ядро физикаси корхоналарида ишлар хавфсизлиги қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 31 январь,
03/ЮБ-17-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 10 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
2022 йил 31 январдаги 03/ЮБ-17-сон
қарорига
ИЛОВА

**Ядро физикаси корхоналарида ишлар хавфсизлиги қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

2. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

3. 32-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 35-банддаги «ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 127-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«127. Ташкилотларда электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилиниши керак.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 66 «Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2630-3***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сон «Автомобиль транспортида йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очиқ тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **И. МАХКАМОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 1 февраль,
01-сон

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2022 йил 1 февралдаги
01-сон буйруғига
ИЛОВА

### Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 10 ноябрдаги 28-сон «Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2630, 2014 йил 9 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 596-модда).

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2016 йил 16 декабрдаги 51-сон «Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 февралда эълон қилинган.

буйруғи (рўйхат рақами 2630-1, 2016 йил 23 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 595-модда).

3. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2017 йил 12 июлдаги 60-сон «Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги буйруғи (рўйхат рақами 2630-2, 2017 йил 3 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 789-модда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 67 Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2754-3***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПФ–6240-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2016 йил 4 январдаги 2-сон буйруғи (рўйхат рақами 2754, 2016 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор** **Д. САТТАРОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 24 январь,
2-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 11 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан
тартибга солиш агентлиги бош директорининг
2022 йил 24 январдаги 2-сон буйруғига
ИЛОВА

## Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 31-банддаги ««Ўзстандарт» агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (бундан буён матнда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 35 ва 45-бандлардаги ««Ўзстандарт» агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 39-банднинг биринчи хатбошисидаги, 40-банддаги, 42-банднинг биринчи хатбошисидаги, 43 ва 54-бандлардаги ««Ўзстандарт» агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 44-банддаги ««Ўзстандарт» агентлигининг», ««Ўзстандарт» агентлиги» ва ««Ўзстандарт» агентлигига» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг», «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги» ва «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 52-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 53-банддаги ««Ўзстандарт» агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумотни маълум қилади**

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 январдаги 3-сон «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2022 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3348.***

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 2-сон, Бош прокуратурасининг 2022 йил 30 январдаги 3-ҚҚ-сон, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 31 январдаги 31/1-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 8 февралдаги 5ҚҚ180222-сон, Миллий гвардиясининг 2022 йил 3 февралдаги 5-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 2 февралдаги 3/02-22-00036-сон «Прокуратура органлари, адлия органлари (муассасалари), давлат божхона хизмати органлари, Миллий гвардия органлари, Давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, прокуратура органларининг пенсионерлари ҳамда давлат божхона хизмати органларининг пенсионерлари, Миллий гвардия органларининг собиқ ходимлардан бўлган пенсионерлари ва Давлат фельдъегерлик хизмати пенсионерларига ва уларнинг оила аъзоларига Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда санаторий-курорт таъминоти ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3349.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 19 январдаги 01-02/16-00002-сон «Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3296-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-18-сон «Техник этил спиртини ишлаб чи-

қариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2015-3.***

5. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-19-сон «Линолеум учун ёпишқоқ мастикалар, нитролаклар, нитроэмаллар ва нитромастикалар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2016-3.***

6. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-20-сон «Сирка кислотаси ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2073-3.***

7. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-21-сон «Гидридланган мойлар ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2218-2.***

8. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-22-сон «Пресслаш ва экстракциялаш усули билан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2225-2.***

9. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 25/ЮБ-23-сон «Тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2274-2.***

10. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2022 йил 31 январдаги 03/ЮБ-17-сон «Ядро физикаси корхоналарида ишлар хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2612-1.***

11. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 1 февралдаги 1-сон «Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

***2022 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2630-3.***

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директорининг 2022 йил 24 январдаги 2-сон «Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2022 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2754-3.***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 10 ноябрдаги 28-сон «Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2630, 2014 йил 9 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2630-1, 2016 йил 23 декабрь), (рўйхат рақами 2630-2, 2017 йил 3 август).

***2022 йил 11 феврвалда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**